

**Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2008 йил 13 мартдаги ҳукмига кўра, Х. ўғиллари М. ва И. билан жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, безорилик қилиб, Р.ни яқин қариндошларининг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан қасдан ўлдирганлиги учун Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж", "л", "п" бандлари билан 23 йил, 105-моддаси 2-қисми "и" банди билан 4 йил, 173-моддаси 2-қисми "в" банди билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш, 109-моддаси 2-қисми билан 4 ой қамок, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида, 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, тайинланган жазонинг дастлабки 3 йилини турмада, қолган қисмини умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 30 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Х.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, жазо тайинлашда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар

ҳали судланган ҳисоблансалар татбиқ этилади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Бироқ суд Х.га нисбатан жазо тайинлашда мазкур қонун талабларига риоя этмаган.

Иш ҳолатига қараганда, жиноят 2007 йилнинг 12 сентябрь куни содир этилган бўлиб, Х.га нисбатан ҳукм 2008 йил 13 март куни чиқарилган.

Маълумки, 2007 йил 11 июлдаги "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниб, жазо тизимида узок муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилган.

Бунга кўра, Х. жиноят содир этган вақтда ўлим жазоси амалда бўлиб, жазо тизимида узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаган бўлса, унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган даврда ўлим жазоси бекор қилинган ва амалиётга узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилган.

Юқорида кайд этилган қонун талабига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади.

Аmmo суд Х. жиноят содир этган даврда узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси амалда бўлмаганлигини эътибордан четда қолдириб, унга нисбатан асоссиз равишда узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Апелляция инстанцияси суди суд хатосини бартараф этмай, ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш билан кифояланган.

Натижада суд қарорлари Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида ўзгартирилиб, Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж", "л", "п" бандлари билан тайинланган 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилди. Шунингдек, Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "и" банди, 173-моддаси 2-қисми "в" банди, 109-моддаси 2-қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида, узил-кесил 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

***Назорат иши № ЖСҲ-69-13***